

Анов – Манов
Мошхўрданома

Кимга?

–Баъзи ерга бўлиб мудир жиннилар,
Жинни эмас, йўргак ичра ниннилар;
Мундан ўзга офат бизга йўқ эмиш,
Шунинг билан ёв курсағи тўқ эмиш, – дема:
– Иш бошида бўлса агар бир гўдак,
Ағёр учун бўлса ўшал худ кўрак,
Ўрисчаси настоящиймиш дурак,
Сенга нима керак, менга нима керак,
Чалиб нима қилдинг, боғда татарак? – чунки:
– Сўзида бўлмаса зарра тузи,
Нима қилганини билмаса ўзи,
Ҳам пойма-пой бўлса айтган сўзи,
Айб этма, балки кўрдир кўзи! – фақат сан:
–Таъзими-чун кўл боғла,
Айтиб сано тил ёғла,
Ёғлиқ насибанг чоғла!
Ўмпайтир, тўмпайтир, чўнкайтир,
Сен билан бўлмаса ҳеч иши! – ва лекин:
–Гар бўлсанг сен тўғри сўз,
Суймас эсанг ўғри сўз,
Ул бедаво қийқонғланиб,
Нафсониятга боғланур,
Сен шунда асло “уф” дема,
Афтини чоғлаб “туф” дема!
Зеро – туфукка арзимас!
–Бу кимга?
–Ҳой ошнам, тарелка тут,
Аҳду поймонларинг унут,
Тилинг тегида сақла тил,
Ҳузур, ҳаволатингни бил,
Четдан туриб ҳолимга кул,
Ҳар ҳолда майлик лукма ил,
Қуйрук бурашға устасан,
Давлат учун шоистасан,
Мағзи бузулган пистасан,
Қил билганингни айби йўқ,
Ким муҳтарамдир? – Қорни тўқ! – бироқ:
–Олис кетолмас отса ўқ!
Қайтмайди йўлдан урма дўқ,
Ҳар ерда қиилғай кўзни лўқ!
Лекин сен одам бўласан,
Охир бир кун ўйла, нима бўласан?

- Албатта ўртоғим!
- Буниси-чи?
- Бир бедаводир хўжамиз,
Билмас ишидан дарс берар,
Ёвға пишибдир гўжамиз;
Энсанг қотар, кўнглинг кетар,
Куз ҳам кечиб, қиш ҳам ўтар,
Бир кун келиб кўклам етар,
Раҳон унуб ажриқ битар!
Буниси ўзимга:
 - Қўй ҳасратинг мақсад нима,
Беҳуда сўзларни дема!
Шуҳрат талаб, иззат талаб,
Бўлсанг агар ушбуни қил, ақлинга кел:
–Ҳой, десалар икки букил,
Мисли тариқ ерга тўкил,
Иззатни кўр – ҳурматни кўр,
Шуҳратни кўр – давлатни кўр! – йўкса:
- Келса қилич бўйнингни тут,
Ичғил заҳар-заққумни ют,
Қирқлик билан қайғинг унут!

*Мошхўрдачи Шилгай
Муштум, 1926. 28-сон.*